Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил, 30 март • № 12 (877)

**Эътибор**

## БИЛИМ ВА ТАЖРИБА КАСБ МАҲОРАТИНИНГ УЗВИЙ БИРЛИГИ

***Жорий йилнинг 24 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Республика врачлар малакасини ошириш институтида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида тез тиббий ёрдам йўналишида меҳнат қилаётган соҳа мутахассислари хизматларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.***




Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов очиб, танлов иштирокчилари ва меҳмонларни улуғ айём Наврўз байрами билан самимий табриклаб, тизимда олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида урғу қаратиб, соҳада эришилаётган ютуқларда уларнинг ҳиссалари катта эканлигини таъкидлади.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Боситхонова барчани Наврўзи олам билан муборакбод этиб, юртимизда соғлиқни сақлаш тизимига, айниқса, соғлом она – соғлом бола, репродуктив саломатлик, тиббий кўрик, соғлом турмуш тарзи ҳамда кадрлар масаласига давлатимиз томонидан берилаётган эътибор, шунингдек, яратилаётган шароит ва имкониятлар хусусида тўхталди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига оид чиқарилаётган қарор ва фармонларнинг амалдаги ижроси бугунги кунда ўз самарасини бераётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса, аҳоли саломатлигини янада яхшилашда шошилинч тиббий ёрдам хизмати алоҳида ўринга эга бўлиб, бу борадаги фаолиятлар барча жаҳон ҳамжамиятидаги мутахассислар томонидан эътироф этилаётганлиги ҳам юқоридаги фикрларимизнинг

**(Давоми 2-бетда).**

**Эътироф**

## МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР




**Нукусскому филиалу ТашПМИ – 20 лет**

***Кейинги йилларда Президентимиз томонидан ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама ошириш борасида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилаётганлиги ҳар бир ота-она учун фахр-ифтихорга айланиб, амалдаги фаолиятларда ўз ифодасини топиб келаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.***

Айниқса, фарзандларимиз таълим олаётган ўқув масканлари замонавий бунёд этилиб, давр талабида жиҳозланаётганлиги, шунингдек, уларнинг янги технологиялар билан таъминланганлиги ёшлар билим олиши, қолаверса илмий салоҳиятларини ошириш борасидаги интилиш ва орзуларини рўёбга чиқараётгани юртимизнинг келажаги порлоқ эканлигидан далолат бериб турибди. Шу жумладан, мамлакатимиздаги тиббиёт олийгоҳлари, коллеж ва лицейларда таҳсил олаётган ёшларимиз учун яратилаётган шароит ва имкониятлар ҳам бундан мустасно эмас. Ана шундай олий ўқув юртларидан бири бўлган Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ҳам талабаларга билим бериш, уларнинг касбий маҳоратини шакллантириш, бунинг баробарида эса илмий йўналишдаги изланишларга кенг имкониятлар очиб бераётган институт жамоасининг ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир. Айни кунда мазкур институтдаги мавжуд факультетларда республикамиздаги ёшларимиз тажрибали профессор, фан номзодлари, доцент ва фидойи педагог ҳамда ўқитувчилар томонидан таҳсил олиб келмоқдалар. Шунингдек, институтдаги барча кафедра ва клиникаларда назарий ҳамда амалий билимларнинг узвий тарзда олиб борилаётганлиги талабаларнинг касб сирларини мукаммал эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Дарҳақиқат, мазкур институтнинг Нукус филиали жорий йилнинг 27 март куни ўзининг 20 йиллигига бағишлаб «Тиббий экологик муаммолар ва Орол бўйи ҳудудида яшовчи аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мавзусига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси»ни ўтказди.

Конференцияни Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали директори, тиббиёт фанлари доктори Орал Атаниязова кириш сўзи билан очиб, барча иштирокчиларни институтнинг 20 йиллиги билан самимий қутлаб, таълим даргоҳида олиб борилаётган фаолиятлар ҳамда 20 йил давомида эришилган ютуқларга алоҳида тўхталди. Бунинг баробарида олий ўқув юрти шаклланиши ҳамда ўз нуфузига эга бўлишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоасининг меҳнатлари беқиёслигини алоҳида тилга олиб, ўзининг чексиз миннатдорчилигини билдириб ўтди.

**(Давоми 3-бетда).**

*Эътибор*

# БИЛИМ ВА ТАЖРИБА КАСБ МАҲОРАТИНИНГ УЗВИЙ БИРЛИГИ

## *Кўрик-танлов ғолиблари*

**«Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси:**

*1. Қашқадарё вилояти Ғузор тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлимига.*

*2. Бухоро вилояти Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлимига.*

*3. Тошкент вилояти Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлимига насиб этди.*

**«Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори» номинациясига:**

*1. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси 11-ихтисослаштирилган станция шифокори – Кеунимжай Алланиязов.*

*2. РШТЁИМ Нукус филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори – Гулсара Ержонова.*

*3. РШТЁИМ Жиззах филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори – Ҳабиба Исламова муносиб деб топилди.*

**«Тез тиббий ёрдам станцияси энг интизомли ҳайдовчиси» номинациясига:**

*1. РШТЁИМ Фарғона филиали маркази тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси – Шамсиддин Исмоилов.*

*2. Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси автохўжалиги ҳайдовчиси – Икром Отаев.*

*3. Сирдарё вилояти, Гулистон туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси – Шуҳрат Юлчиев сазовор бўлди.*

дирлаш мақсадида мазкур йўналишда кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 11 февралдаги 41-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» кўрик-танловининг саралаш босқичлари ўтказилди.

Қувонарлиси шундаки, бундай танловлар йилдан-йилга анъанага айланиб, кенг аудиторияни қамраб олаётганлиги тизимдаги фаолиятларнинг самарали кечаётганлигидан далолатдир. Албатта ушбу танлов якунлари вазирликнинг тажрибали мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан йил давомида кузатиб борилди

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёрқин ифодасидир. Шундай экан, Президентимиз 2009 йил 21 майда қабул қилган «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши, ҳозирги кунда бу тизим нафақат ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини исботлади, балки бошқа давлатларга ҳам ўрнак сифатида эътироф этилмоқда. Барчамизга маълумки, уч йилдирки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соҳада фаолият юритаётган малакали мутахассисларнинг касб маҳорати, билим ва тажрибасини кенг тарғиб қилиш ҳамда намунали ходимлар меҳнатини муносиб тақ-ва танлов ғолибларининг меҳнатлари муносиб баҳоланиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий Кенгаши томонидан эсдалик ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Алоҳида таъкидлаш муҳимки, кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди ва бош соврин – «Дамас» автоамбулянси билан тақдирланди.









**Муродулла АЗИМОВ, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими мудири:**

– Бугунги кўрик-танловда бош совринни жамоамизда астойдил меҳнат қилаётган ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари, аҳолига кўрсатаётган сифатли тиббий хизматлари ва касбларига бўлган иштиёқлари боис, қўлга киритдик. Аввало, биздек тиббиёт ходимлари фаолиятига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигидан миннатдорман. Айниқса, тез тиббий ёрдам бўлимлари учун яратилган шароитлар мутахассисларни янада иштиёқ билан ишлашга катта замин яратмоқда. Хурсандлигимизнинг яна бири шундаки, Юртбошимизнинг ташаббуси билан шошилинч тиббий ёрдам хизматига кўплаб «Хундай» русумли энг замонавий реанимамобилларнинг берилганлиги аҳолига сифатли ва тез ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бўлимимиз ана шундай автомобиллар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, уларнинг афзаллиги шундаки, унда сунъий нафас бериш, қон босими, томир уришини ўлчаш ва бошқа зарур амалий ёрдамларни йўл-йўлакай кўрсатиш имконияти бор. Қўлга киритган ютуқларимизни юксак баҳолаган барча мутасаддиларга яна бир бор мамнунлигимни изҳор қилиб, халқимиз саломатлиги йўлида бор куч ва имкониятларимиздан унумли фойдаланган ҳолда хизмат қилишга тайёрмиз.

**Гулсара ЕРЖОНОВА, РШТЁИМ Нукус филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори:**

– Мана бир неча йилдирки, шифокорлик касбини эъзозлаб келмоқдаман. Бизнинг соҳамиз йўналиши ҳамиша тезкорлик ва эпчилликни тақозо қилгани сабабли, ҳар қандай вазиятда ҳам доим тайёр туришимиз зарур. Чунки, ўз вақтида қилинган тез тиббий муолажа инсон умрини сақлаб қолишга имкон яратади. Ушбу кўрик-танловда «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори» номинацияси бўйича муносиб ўрин соҳибаси бўлганимдан ва ана шундай шарафли касбни танлаганимдан фахрланиб кетдим.



**Шамсиддин ИСМОИЛОВ, РШТЁИМ Фарғона вилояти филиали марказий тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси**:

– Ҳайдовчилик касбим туфайли жамоада обрў-эътибор қозониб, кўрик-танловнинг республика босқичида ғолиб бўлишим, вилоятимиздаги шошилинч тиббий ёрдам ҳайдовчиларининг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари самараси деб биламан. Бугунги кунда давлатимиз томонидан барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижаларини кўриб, қувонади киши. Шундай экан, ишхонамизда фаолият олиб бориш ва дам олиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда махсус иш кийимлари билан таъминланишимиз фидокорона меҳнат қилишимизда ўз самарасини бериб, янада фаоллик билан ишлашимизни тақозо этмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлашимиз ўринлики, кўрик-танловдан ташқари тадбирда қатнашган тиббиёт ходимлари учун алоҳида акция ташкил этилиб, омадли соҳа мутахассисларига фонендоскоп, стетоскоп аппаратлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилди. Байрам давомида бир-биридан ширин ва ёқимтой «Орзу» болалар ансамблининг шўх ўйин ва рақслари барча қатнашчиларнинг дилларига болалик туйғуларини сочибгина қолмай, балки байрам тароватига ўзгача шукуҳ бағишлаган бўлса, «Шарқ» вокал-чолғу эстрада ансамблининг қалбларга қувонч бахш этувчи қўшиқлари эса иштирокчиларни янада хушнуд этди.

**Хулоса сифатида айтиш жоизки, бундай анъанага айланган кўрик-танловларнинг ўтказилиши соҳа мутахассисларининг касбий маҳорати ва уларнинг сидқидилдан бажараётган фидойи меҳнатларига берилган муносиб баҳо эканлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ана шундай бардавомли тадбирларнинг янада равнақ топишида омадлар тилаб қоламиз.**

**Ибодат СОАТОВА, Ҳусан БАРОТОВ, Диёра БОЗОРОВА.**

**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

Эътироф

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).




Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши раисининг ўринбосари Отажон Хамраев сўзга чиқиб, республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган фаолиятлар, шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда тайёрланаётган кадрлар масаласига қаратилаётган эътибор хусусида ўз фикрларини билдириб, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг 20 йил мобайнида олиб борган ишларига атрофлича тўхталиб, бу борада таълим масканининг моддий-техник базаси яхшиланганлиги, кадрлар масаласига қаратилган эътибор ҳамда таълим сифати ошганлиги, бундан ташқари, қорақалпоқ, рус ва ўзбек тилларида дарс жараёнларининг олиб борилиши, ҳар бир хонанинг янги технологиялар билан жиҳозланганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи, профессор Дилором Аҳмедова ҳам ушбу ўқув масканининг 20 йил давомида олиб борган ишларига эътибор қаратган ҳолда жамоани қизғин қутлади. Шунингдек, мазкур институтнинг ўз ўрнига эга бўлишида Тошкент педиатрия тиббиёт институти ходимларининг алоҳида ўрни борлигини, айни кунда улар янада ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлигига атрофлича тўхталди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, профессор Ботир Даминов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Матлуба Алимова, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Мираббос Иноятов, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Дониёр Ҳожиев ва бир қанча таълим масканларининг раҳбарлари сўз олишиб, мазкур институтнинг 20 йиллиги билан иштирокчиларни муборакбод этдилар.

Тадбир давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали директори Орал Атаниязова институтнинг 20 йил давомидаги фаолиятлари ҳамда унинг келажак истиқболи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Дилором Аҳмедова оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги самарали ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар, Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Алима Маткаримова Орол бўйи ҳудудидаги болаларнинг овқатланиши масалалари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши раисининг ўринбосари Отажон Хамраев шифохона ички инфекциялари ҳамда сил касаллиги ва унинг олдини олиш мавзулари бўйича маърузалар қилдилар.


Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг янги кўринишдаги лойиҳаси.



Куннинг иккинчи ярмида 3 та секцияда долзарб мавзулар бўйича тажрибали мутахассислар томонидан дарс машғулотлари олиб борилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган мутахассислар иштирок этиб, фаолиятлари учун муҳим назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлдилар. Айниқса, конференцияда «Экология талабалар назарида» номли фотоконкурснинг ташкил қилинганлиги ва унда талабаларнинг фаол иштирок этганлиги қатнашчилар диққатини ўзига жалб қилди.

Кенг аудиторияда ўтказилган республика анжуманида тиббиётнинг долзарб мавзулари бўйича иштирокчилар ўзаро фикрлашиб, кун тартибидан ўрин олган мавзу доираси бўйича ўз таклифларини киритдилар. Конференция иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси тарихини ифода этувчи И. Савицкий номидаги давлат санъат музейида бўлишиб, у ердаги экспонатлар билан яқиндан танишдилар.

**Таъкидлаш муҳимки, бугунги кунда ўз йўналишига эга бўлиб бораётган Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг келажакдаги режалари янги ўқув биносига эга бўлиш, ўз тасарруфида клиника очиш, шунингдек, таълим жараёнларини жаҳон стандартлари асосида олиб бориш ҳамда халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қиладиган кадрларни етиштиришдан иборат экан, уларнинг бу борадаги ишларига омадлар тилаб қоламиз.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*(Газетамизнинг кейинги сонларида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали фаолияти тўғрисида батафсил танишишингиз мумкин).*

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# ОИЛА – ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУҲОФАЗАСИДА

***2012 йилнинг 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарорининг моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар” мавзусида семинар бўлиб ўтди.***

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур семинарда Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт, Адлия вазирликлари, республика “Оила” илмий-амалий маркази, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла” жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲнинг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахритдин Раджабов кириш сўзи билан очиб, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва қарор ижросини таъминлаш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Олтиной Эсанова “Оила – давлат ва жамият муҳофазасида” мавзусида маъруза қилиб, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилалар, айниқса ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантириш ва унинг ролини кучайтириш белгилаб қўйилганлиги билан аҳамиятли эканлиги хусусида ўз фикрларини билдирди.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини бажаришда соғлиқни сақлаш тизимининг вазифалари ҳақида»ги маърузасида мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 28 февралдаги 58-сонли буйруғи билан 5 та бўлим ва 22 банддан иборат тармоқ дастури бўйича ҳудудларга бириктирилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари рўйхати ва

**(Давоми 4-бетда).**

**Бизнинг расмий веб-сайтимизга ташриф буюринг: www.uzssgzt.uz**

*Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади*

# ОИЛА — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУҲОФАЗАСИДА

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

мониторинг таркиби тасдиқланганлигини ҳамда ушбу тармоқ дастуридан ўрин олган ҳар бир бўлим бандларидаги белгиланган муҳим масалаларга эътибор қаратди. Жумладан, вазирлик тасарруфидаги «Болалар уйлари тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш «Соғлом она – соғлом бола» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фертил ёшдаги аёлларни ўз вақтида тиббий кўрикдан сифатли ўтказиш масалаларига атрофлича тўхталди. Шунингдек, оила ва жамиятда аёлнинг ўрни ҳамда унинг аҳамиятини ошириш билан боғлиқ муҳим вазифалардан бири "Соғлом она – соғлом бола" Миллий модели доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалий ишларни ташкил этишга ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури билан боғлиқ қонунларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга ошириш муҳимлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимуҳаммедов «Иш билан бандликни таъминлаш – мустаҳкам оила ва барқарор жамият пойдевори», Иқтисодиёт вазирлигининг Демография ва меҳнат бозорлари бўлими бошлиғи Азиз Раҳматов «Ёш оилаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш – мустаҳкам оила гарови» мавзуларида маъруза қилишиб, бу борада олиб борилган фаолиятлар ҳамда дастур ижроси бўйича амалга ошириш муҳим бўлган масалалар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Семинар давомида иштирокчилар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг асосий йўналиши бўлмиш оила институтини шакллантиришда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, жумладан, миллатимизнинг ўзига хос урф-одатларини асраб-авайлаган ҳолда ҳамда халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларни такомиллаштиришга, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга қаратилган ишлар олиб борилаётганлигини, бунинг бароборида оиланинг фаровонлиги ва мустаҳкамлигини, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлигига алоҳида урғу қаратдилар.

**Семинар якунида юқорида билдирилган фикрлар бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУСТАҲКАМ ОИЛА ГАРОВИ

***2012 йилнинг 28 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва унинг ҳуқуқий асосини яратиш – мустаҳкам оила гарови" мавзуида семинар ўтказилди.***



Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш, Адлия, Молия, Иқтисодиёт, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг масъул ходимлари, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази, республика "Оила" илмий-амалий маркази, "Камолот" ЁИҲ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" ва "Маҳалла" жамғармалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалари қўмитаси раиси Фахритдин Раджабов кириш сўзи билан очиб, юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда республика ва унинг ҳудудларида перинатал ва скрининг марказлари ташкил этилганлиги ва бу борада самарали ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Зуҳра Ботирова «Репродуктив саломатликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш – Оила ва жамият мустаҳкамлигини таъминлашнинг ишончли омили» тўғрисида маъруза қилиб, соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли саломатлигига қаратилаётган эътибор, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, ёшларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш борасида оила аъзолари ҳамда кенг жамоатчиликнинг ўрни муҳимлигига эътибор қаратди.

Сўнгра, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори Маҳмуда Каттаходжаева «Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишда қишлоқ врачлик пунктларининг тутган ўрни» хусусида тўхталиб, бирламчи тиббиёт тизимида аҳолининг репродуктив саломатлигига қаратилган эътибор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мунтазам тарзда олиб борилаётган «Саломатлик ҳафталиги» ва тиббий кўриклар тажрибали мутахассислар томонидан ўз вақтида амалга оширилаётганлигини айтиб ўтди.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори Зулхумор Муталова, институт ҳамда унинг вилоят филиаллари томонидан тарғибот ишлари бўйича амалдаги фаолиятларга алоҳида тўхталиб, мутахассисларнинг мактабгача таълим муассасалари, мактаб, олий ўқув юртлари, коллеж, лицей, маҳалла ва аҳоли билан ҳамкорликда ўтказаётган семинар, давра суҳбатлари, шунингдек, ходимларнинг саъй-ҳаракати билан касалликларга оид буклет ва плакатлар тайёрланиб, тарқатилаётганлиги турли хил касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётганлигини баён этди.

Семинарда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган "Соғлом она – соғлом



бола" тамойилига мувофиқ оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш каби вазифаларни амалга ошириб, мамлакатимиз фуқароларининг фаровон яшаши, меҳнат қилиши ва ўзидан фақат соғлом зурриёт қолдириши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини тўлақонли таъминлаш мақсадида аҳолининг репродуктив саломатлиги, яъни соғлом ҳаёти бароборида жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкам соғлиғини, бу билан чамбарчас боғлиқ бўлган тўкис ҳамда барқарор ижтимоий ҳаётини, ушбу масалаларга оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш, такомиллаштириш эҳтиёжи муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масалалар ечимини ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш учун мамлакатимиз аҳолисининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонун лойиҳаларини тайёрлаш эҳтиёжи мавжудлигини ўрганиб чиқиш лозим бўлаётганлиги айтиб ўтилди ҳамда депутатлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлигидан иштирок этган мутахассислар томонидан мазкур қонун бўйича таклиф ва фикрлар ўртага ташланди.

**Тадбир якунида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва унинг ҳуқуқий асосини яратишга оид ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган қарори қабул қилинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Дил изҳори*

# ЯШАШГА УМИДИМНИ ОШИРДИ

Истиқлолнинг илк йилларданоқ юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, аҳолига кенг қулайлик ва имкониятлар яратилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Кейинги йилларда юрак хасталиги безовта қилиб, соғлигимга жиддий таъсир эта бошлади. Касаллигим туфайли Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг кардиология бўлимида даволанганимда ушбу тиббиёт масканидаги барча тиббиёт ходимлрининг ўз касбининг жонкуяр ва билимдонлари эканлигига чин дилдан амин бўлдим. Айниқса, менга тўғри ташхис қўйиб, керакли муолажаларни ўз вақтида сифатли бажариб, соғлигимни тиклашда меҳнатини аямаган тажрибали шифокор Зуҳра Муродовадан жуда миннатдорман. Унинг камтарлиги, хушмуомалалиги, олижаноблиги ва беморларга бўлган меҳрибонлигини алоҳида тилга олишни жоиз деб билдим. Бир сўз билан айтганда, ана шундай меҳрибон шифокорнинг беминнат хизматлари менинг яшашга бўлган умидимни оширди.

Ҳурматли Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов сиз раҳбарлик қилаётган соҳа ходимларининг эришаётган ютуқларидан фахрланиб, тасаннолар айтгим келади.

**К. УМАРҚУЛОВ**
**Тошкент шаҳри,**
**Сирғали тумани,**
**II гуруҳ ногирони.**

*Ҳурматли муштарийлар!*

***Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt. uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.***

*Тиббиётимиз дарғалари*

# МЕҲНАТИДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН ИНСОН

***Дунёда касблар кўп. Ҳар бир касбнинг ўз масъуллиги бўлганидек, тиббиёт соҳасининг ҳам барча йўналишларида ўзига хос мактаб яратиб кетган устозлари кўпдир. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари кўпчиликка ўрнак бўлиб, тиббиёт фанини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссалари, сидқидилдан қилган ҳалол меҳнатлари бугунги кунда ўз мевасини бераётганидан халқимиз мамнун. Ана шундай соҳа йўналишида эл, қолаверса, тиббиёт аҳли орасида ўзининг обрў-эътиборига эга бўлган инсонлардан бири Обиджон Илҳомовдир.***

Тошкентнинг эски шаҳар «Эшонгузар» (ҳозирги «Каттабоғ») маҳалласида 1929 йилнинг айни баҳор фаслида дунёга келган Обиджоннинг отаси Аҳмаджон ака Ўқчи даҳасидаги ўқитувчилар тайёрлаш билим юрти муаллими, онаси Фарохатхон опа эса, болалар боғчасининг тарбиячиси бўлиб хизмат қиларди. Уларнинг фарзандлари Обиджон ёшлигиданоқ зеҳнли, тиришқоқ, илм-маърифатга иштиёқи баланд бўлиб ўсди. У 1937-1947 йилларда 45-ўрта мактабни иқтидорли ва аълочилар сафида олтин медаль билан тамомлади. Унинг физика, математика фанларига бўлган меҳри ва ихлоси баландлигини сезган устозлари ҳужжатларини Москвадаги Бауман номли олий техника институтига топширишни маслаҳат беришди. Бироқ, ота-боболари унинг келажакда шифокор бўлишини орзу қилишарди. Шу эзгу ният ва кўнгилдаги баланд иштиёқ Обиджон Илҳомовни Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясига) етаклади. У олти йил мобайнида сабр-тоқат, заҳмат ва машаққат билан тиббиётнинг сир-синоатларини астойдил ўрганиб, илмий-назарий ва амалий томондан етук кадр даражасига етди. Талабалик йиллариданоқ машҳур олим, моҳир жарроҳ Холиқ Ғафуров ва Восит Зоҳидовларга шогирд тушди. «Интилганга толе ёр», деганларидек, Обиджон Илҳомов 1953 йили институтнинг даволаш факультетини имтиёзли тугатгандан сўнг, клиник ординатурада қолдирилди. Лекин, тақдир тақозоси билан Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига юборилди. Табиатан камтар, хушчақчақ, тўғрисўз ва ҳаракатчан Обиджон қисқа вақт ичида шаҳар шифохонаси жамоаси, жарроҳлик бўлими ходимлари ўртасида ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатди. У нафақат қўли енгил хирург, балки шаҳар қон қуйиш бўлими мудири, тиббий-маърифий ишлар уйи фаоли, ҳамширалар тайёрлаш курси ўқитувчиси сифатида ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бундан ташқари, ўша пайтларда махсус лойиҳа асосида қайта қурилаётган Ангрен шаҳри штабида соғлиқни сақлаш бўлимининг масъул вакили бўлиб, ўзининг ноёб ташкилотчилик қобилиятини ҳам тўла-тўкис намоён қилиб, икки марта шаҳар кенгаши депутатлигигига сайланди.

Ўз касбини жону дилидан севган ёш, иқтидорли мутахассис ўзи ўқиган азиз ва мўътабар даргоҳда устозлари Михаил Астров, Михаил Постолов, Султон Долимов, Файзи Амиров, Муқаддам Ашраповалар билан ёнма-ён ишга киришди. Шу тариқа у ёшлик куч-қуввати, ғайратини 1957-1996 йилларда асосан илмий-мураббийлик, амалий жарроҳлик, ўнлаб илмий-назарий, услубий қўлланмалар, дарсликлар яратиш, мақолалар ёзиш ҳамда шогирдлар тайёрлашга бағишлади. Шунингдек, санитар авиация хизмати соҳасида ҳам фаол иштирок этиб, эл-юрт назарига тушди, кўплаб фахрий ёрлиқ ва эсдалик нишонлари соҳиби бўлди.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Обид Аҳмадович садоқатли рафиқаси, ҳамкасби Дилоромхон Валиева (марҳум) билан ўғиллари Фарҳоджонни тиббиёт фанлари доктори, профессор, қизлари Ситорахонни олий тоифали врач мутахассислиги даражасигача етказишди. Фақат бугина эмас, бу тотув оиладан Наимахон, Кларахон, Ноилахон, Иродахон ва Дилшод каби издошлар етишиб чиқдики, уларнинг эл-юрт хизматида бўлишлари албатта, қувонарли ва ибратлидир.

Айни кунларда бағри кенг ва меҳри дарё Обиджон Илҳомов яқин қариндош-уруғ, фарзандлари, ҳамкасблари ардоғида шукроналик билан яшаб, қилган ҳалол меҳнатлари нашидасини сурмоқда.

**Тиббиёт фанининг муносиб дарғаларидан бири Обиджон Илҳомов ўтган кунларни шундай хотирлайдилар:**

*– Хирургия фанини талабалар институтларда учинчи курсдан бошлайдилар. Курсга талабалардан ўғил болалар хирург, қиз болалар эса гинеколог бўламан деб келардилар. Ўқиш давомида хирургия қанчалик оғир эканлигини тушуниб, учинчи курснинг охирига келиб, бу болаларнинг ярми хирургиядан бош тортишарди, қизларнинг ҳам тенг ярми танлаган касбидан воз кечишарди. Хирургия касбини астойдил танлаган болалар ва қизлар унинг сир-саноатларини мукаммал ўрганишлари керак эди. Хирургия фанидан дарс берадиган домлаларнинг асосий вазифалари ана шу иқтидорли болаларни сақлаб қолиш ва улар ҳақиқий хирург бўлиб етишишларида ёрдам бериши зарур эди. Қирқ уч йиллик меҳнат фаолиятим давомида шогирдларимдан Турғунпўлат Даминов, Ҳамид Каримов, Карим Жабборов, Мақсуд Маҳмудович, Холидбек Комилов, Мушарраф Ашурова, Ёлчин Иноғомов, Олимжон Абдуллаевларни ўзгача бир ҳурмат ва фахр билан тилга оламан. Институтни битириб, ўз вилоятларида фаолият юритаётган болалар билан санавиация орқали турли вилоятларга борганимда улар менинг келганимни эшитиб, дарҳол етиб келишар эди. Пойтахтдаги ўзгаришлар, хирургия соҳасидаги янгиликлар ва бизнинг кафедрада ишлаётган домлалар ҳақида тўлқинланиб сўрашарди. Уларни қизиқтирган асосий саволлардан бири Муқаддам Ашраповна оиласи ва соғлиги ҳақида бўларди. Тошкентга қайтгандан сўнг, Муқаддам Ашрапова билан учрашиб, собиқ талабаларининг меҳнат фаолиятларида эришган ютуқлари ҳақида гапириб берганимда опа кўзларига ёш олиб, вужудини ифтихор туйғулари қамраганлигини самимий чеҳраларидан англаш қийин эмасди.*

**Фурсатдан фойдаланиб, бу азиз ва табаррук устозимизга улуғ ёшингиз муборак, бундан кейин ҳам davраларимизнинг файзи ва кўрки бўлиб юринг, деб эзгу тилакларни билдириб қоламиз.**

**Искандар РАҲМОН.**

*Признание*

# ИСТОРИЯ ОДНОЙ ОПЕРАЦИИ

***На экране компьютера мне показывают фотографию пациентки, сделанную в первый день ее поступления в Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии.***

Молодая женщина буквально распластанная на кровати: тонюсенькие ручки-веточки, искривленные ноги, раздутые в суставах. Это Гульшат А. из Джизака. Ей всего двадцать два года, последний она провела лежа, ибо стали ломкими кости, и она потеряла возможность ходить. Тело теряло мышечную массу, слабость не давала даже поднимать голову, боль разрывала поясницу. Ее обследовали онкологи, тарвматологи, назначали лечение, не приносившее результатов. Наоборот – ей становилось все хуже. Счастливый случай, а может все-таки в этом есть закономерность, обусловленная знаниями истинных профессионалов, привела ее в Центр, отделение общей эндокринологии-2, которым заведует кандидат медицинских наук Камиль Кашапович Узбеков. С этого дня и начался путь Гульшат к выздоровлению.

Обследование проводили скрупулезное, стараясь найти причину столь болезненного состояния. Оно же было настолько тяжелым, что речь шла о жизненных показаниях. Десятки анализов, подключение специальной аппаратуры дали общую картину недомогания: нехватка кальция в костях (остеопороз), камни в почках и мочевом пузыре, низкий гемоглобин.

Но почему же организм вдруг дал сбой, что нарушило его стабильность? Доктор медицинских наук Саид Ибрагимович Исмаилов и Камиль Кашапович Узбеков, курирующие больную, установили: в левой доле щитовидной железы есть опухолевидное образование длиной 3 сантиметра. Вот эта самая аденома и «вымывала» кальций из организма, не давая паращитовидной железе, регулирующей фосфоро-кальциевый обмен, выполнять свою функцию.

Диагноз, хотя и был на взгляд специалистов явным, все же требовал уточнения, принятия и выполнения всех назначений, которые в комплексе привели бы к желаемому результату. Надо сказать, что решения принимались непростые и проводились под строгим контролем – отслеживался ход положительных изменений. Ей переливали кровь, чтобы вернуть организму силу, антибиотиками сбивали воспаление в почках. Только потом была назначена сама операция по удалению аденомы, но и то опасений в благополучном исходе было множество...

Наверное, тут следует сказать о том, что все же операция операции – рознь. Каждая из них по-своему уникальна. Если диагноз поставлен вовремя, а человек, у которого обнаружена болезнь, требующая серьезного лечения, не отмахивается от выполнения необходимых процедур, принятия медикаментов и регулярной проверки того же сахара в крови, холестерина и так далее, опасных последствий можно избежать. При еще одном условии: лечащий врач всю жизнь продолжает обучение, совершенствует профессиональные знания, не замыкается только в одной своей узкой области. К сожалению, немало примеров тому, когда больной доводится до крайности из-за собственной беспечности и равнодушия медика, тогда как направление на дополнительное обследование в специализированные центры может предотвратить печальный исход. В описываемом случае так и произошло.

На том же экране появляется еще одна фотография: та самая опухоль, которую уделяют скальпелем. Опытный взгляд хирургов легко отличает, где – здоровые ткани, а где та самая аденома – кусочек лишней плоти, не известно, зачем появившийся и чуть не погасивший жизнь, подвергнув сначала тяжелым мукам.



И вновь – анализы, проверка состояния, лечение. В первую очередь – укрепление костной ткани специальными препаратами, радио-иммунологические исследования, контроль других специальных показателей. При этом часто – вздох облегчения: все шло как надо.

Через шесть месяцев пациентка вновь пришла на проверку. Было отмечено, что срослись переломы, из почек стали выходить мелкие конкременты. Кстати, пришла она уже самостоятельно.

Как назвать это преображение? На фото – стройная, уверенная в своих движениях женщина. По сравнению с той, первой, просто ночь и день. И, как уже говорилось, операция операции – рознь. Даже при всем том, что получен нужный эффект, такие сложные, возвращающие не просто здоровье, а жизнь, сохраняются в памяти всех, кто был причастен к этому возрождению. Хирурги гордятся делом своих рук. Золотые у них руки!

**Увы, работы у них не становится меньше. Радует то, что со всей республики приезжают пациенты с возможно неблагоприятным диагнозом, на который при подтверждении можно успешно воздействовать, убрать из организма то, что мешает человеку жить полноценно, даже меняет в лучшую сторону его внешность. Раз в неделю обязательно проводится такое оперативное вмешательство. Их на счету хирургов-эндокринологов уже более тысячи. Может быть даже в этот момент идет очередная операция – во славу современной медицины, ее достижений, и тех, кто верно служит ей и людям.**

**Н. ВЕТКАСОВА.**
**Фото А. ПОПОВА.**



Яркие весенние зацвели цветы, очень много радости принесли они.

## ЭЪЛОН




Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институтида чоп этиладиган «Инфекция, иммунитет ва фармакология» илмий-амалий журнали 2012 йилга обуна ва мақолалар қабул қилади.

Мақолалар ҳажми 5 бет, қисқа маълумотлар 1 бет, шарҳловчи мақолалар эса 8 бетдан иборат, шунингдек, мақолада кириш, амалий ва хулосалар қисми ҳамда қўлланилган адабиётлар алфавит бўйича бўлиши керак. Журнал 1999 йилда ташкил этилган, Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва матбуот Давлат агентлигида 0293 рақам билан рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Олий аттестация қўмитаси (ВАК) реестрига киритилган, Ўзбекистон Республикаси китоб палатасида халқаро стандартга эга (ISSN 2149).

Мақола рус тилида бўлса резюме ўзбек тилида, ўзбек тилида бўлса резюме рус тилида бўлиши керак. Мақола электрон вариантда, сарлавҳа ўзбек, рус, инглиз тилида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Бодомзор йўли кўчаси, 37-уй.
Тел: (+99871) 234-77-97, факс: 234-77-22.
E-mail:tashniiivs@mail.ru

Обуна – 2012

Ҳурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2012 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.
Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар!

Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг

# МАВСУМГА ТАЙЁРМИСИЗ?



***Республикамизда баҳорги мавсумга тайёргарлик кўриш мобайнида барча соҳаларда ташкилий ишлар амалга оширилади. Бу жараён, айниқса, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдига ҳам бир қатор вазифаларни юклайди.***

Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар атмосферага кўтарилиб, мусаффо ҳаво таркибини бузади. Энг ачинарлиси, ёнғинлар кўплаб инсонларнинг жароҳатланишига ва ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида, Миробод тумани ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ўз-ўзини бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа мутасадди идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр энергиясидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенгайтирилган йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Турар-жойларда газ плитасини ўзбошимчалик билан бошқа жойларга кўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, қўлбола ясалган электр иситиш ускуналаридан фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши тўғрисида аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, айни вақтда республикамиз ҳудудига кириб келаётган Эрон давлатида ишлаб чиқарилган газ иситиш печларининг меъёр талабларига жавоб бермаслиги, улардан фойдаланиш натижасида газ иси чиқиб, одамларни заҳарлаш мумкинлиги ҳақида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтиришлар ўтказиб келинмоқда.

**Ёнғин ортидан келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, давлат мулкини кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.**

**Ф. САЙХАМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар Миробод туман ИИБ**
**ЁХБ инспектори, кичик сержант.**

# ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР



Аҳоли яшаш уйлари, кўча ва майдонлар, ташкилот ҳамда муассасалар атрофида йиғилиб қолган турли хил чиқиндилар махсус ажратилган жойларга вақтида олиб кетилмасдан, баъзан уларни ёқиб юбориш ҳоллари учрайди. «Олов тилсиз ёв», деганларидек, арзимас бўлиб кўринган гулханлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва болаларнинг гугурт ўйнаши натижасида келиб чиқадиган ёнғинлар катта моддий зарар келтириб, инсонлар тан жароҳати олишига сабаб бўлиши мумкин. Ёнғинлар нафақат моддий, балки атроф-муҳит обҳавосига зарарли таъсир қилиб, турли заҳарли газлар чиқиши, ёнган ўтлар ўрнини эса ёқимсиз манзара эгаллашига олиб келади. Чиқиндиларнинг ёқиб юборилиши, кўп ҳолларда гулханлар ўчмасдан тутаб туриши атрофга ёқимсиз ҳид тарқалиши натижасида баъзи инсонларда турли аллергик хасталикларнинг қўзғалишига сабаб бўлади.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги учун ҳар биримиз ўз уйимиз атрофида, иш жойимизда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб, шаҳримиз гўзаллиги ва саришталигига ҳиссамизни қўшишимиз фуқаролик бурчимиздир. Миробод туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда, яъни маҳалла, ташкилот, муассасаларда, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари билан ҳамкорликда фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб, кўп қаватли аҳоли яшаш уйлари атрофида турли хил чиқиндиларни ёқиш ҳолларига йўл қўймаслик бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, туманда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишда Миробод туман ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ўрни беқиёсдир.

**Юқорида қайд этилган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидагилар тақиқланади:**

*1. Шаҳар, туман кўчалари, мавзе ва майдонларда йиғилиб қолган хазонларни ёқиб юбориш.*

*2. Ёш болаларни уй ва кўчаларда назоратсиз қолдириш.*

*3. Уйни таъмирлаш вақтида кўп қаватли уйларнинг томларида сақич эритилишига йўл қўймаслик.*

*4. Кўчаларда йиғилган хазонлар устига сигарета қолдиқларини ташлаш.*

*5. Бино атрофлари олдига хазон ва баргларни тўплаб қўйиш ва уларни ёқиш.*

*6. Тураржой бинолари ва корхоналар ҳудудида қуриган шох-шабба, хазон ва чиқиндиларни ёқиш.*

*7. Ўзи яшайдиган бино ва корхона иморатлари ҳудудини доимий равишда қуриган ўтлар, шох-шаббалардан тоза ҳолда сақлаш, ажратилмаган жой ва ётоқхоналарда сигарета чекмаслик.*

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ҳар биримиз хонадонимиз ва ишхонамизда ёнғин қонун-қоидаларига риоя қилсак, ўзимиз ва фарзандларимиз, уй-рўзғор анжомларини, давлат мол-мулкини ўт балосидан сақлаган бўламиз.

**Ёнғин содир бўлганда албатта «01»га хабар бериб, манзилгоҳингизни тўлиқ айтишни унутманг!**

**С. ДЖУМАНОВ,**
**Тошкент шаҳар**
**Миробод туман ИИБ**
**ЁХБ инспектори,**
**кичик сержант.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 10873 нусха.
Буюртма Г-345.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «I» шартли белгиси қўйилади.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.